

**Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалларида
ижара асосида фойдаланиш шартномаси (НУМО терминаллари учун)**

№ _____

_____ ш. “ _____ ” _____ 20__ йил

Низом асосида фаолият кўрсатувчи кейинчалик "ИЖАРАГА БЕРУВЧИ" деб аталувчи «Hamkorbank» АТБ _____ филиали номидан _____ бир томондан, ва кейинчалик "ИЖАРАГА ОЛУВЧИ" деб аталувчи _____

(ташкilot, хусусий тадбиркор номи)

иккинчи томондан _____

(раҳбарнинг исми шарифи)

қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. Ижарага берувчи ижарага олувчига тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалини ижара асосида фойдаланишга беради;

Терминал номи	Терминал маркаси	Серия номери	Суммаси
Сумма сўз билан _____			
Қўшимча клавиатура номи	Клавиатура маркаси	Серия номери	Суммаси
Сумма сўз билан _____			
Қўшимча ускуна (сим карта) НУМО тўлов тизими савдо терминаллари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобни ташкил этиш учун тулов	Мобил оператор номи	Ижарага олувчига берилган сим карта рақами	Суммаси
			Ойига 10 000 сўм

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ижарага берувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.1.1. Ижарага олувчига техник жиҳатдан соз, ижара асосида фойдаланиш учун яроқли ҳолдаги тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалини ҳамда _____ сим _____ карта _____ ускунасини _____

_____ (мавзуда келтирилган терминаллардан фойдаланишга берилаётган терминал номлари)

фойдаланишга бериш;

2.1.2. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан ижара асосида фойдаланиш қоидаларини ўргатиш;

2.1.3. Коммунал ва бошқа тўловларни терминал орқали пластик карточкалардан қабул қилганда тўловларни ўз вақтида ҳисоб варақларга ўтказиб беришни таъминлаш.

2.2. Ижарага олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.2.1. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан мақсадли фойдаланиш;

2.2.2. Маҳаллий (ёки миллий) НУМО - карталаридан тўловлар амалга оширилганда, ҳар бир транзакция суммасидан 0,2% миқдорида терминал олинган банк филиалига коммиссион тўлов тўлаш;

2.2.3. Халқаро пластик карталаридан тўловлар амалга оширилганда, ҳар бир транзакция суммасидан 1% миқдорида терминал олинган банк филиалига коммиссион тўлов тўлаш;

2.2.4. НУМО тўлов тизими савдо терминаларида нақд пулсиз ҳисоб-китобни ташкил этиш учун ойига 10 000 сўм миқдорида ҳар ойнинг _____-санасига банкнинг _____ ҳисобварағига ўтказиб берилишини таъминлаш;

2.2.5. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали учун қўшимча ускуна сифатида олинган **МОБИЛ ОПЕРАТОР СИМ КАРТАСИ**дан мақсадли фойдаланиш (фақатгина ушбу савдо терминалида фойдаланиш);

2.2.6. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали ва қўшимча ускуна сифатида олинган **МОБИЛ ОПЕРАТОР СИМ КАРТАСИ**дан мақсадсиз фойдаланиш натижасида банкга нисбатан етказилган зарарларни қоплаш;

2.2.7. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалида аниқланган носозликлар тўғрисида Ижарага берувчига ўз вақтида ёзма ёки электрон тарзда хабар бериш;

2.2.8. Зарур ҳолларда терминалдан мақсадли фойдаланилаётганлигини ва техник созлигини кўздан кечириш учун терминал ўрнатилган жойга банк вакилларини тўсқинликсиз киритиш;

2.2.9. Ўзининг манзили ўзгарганда банкка 3 иш кун ичида хабар бериш;

2.2.10. Терминал техник қурилмаларини таъмирлаш учун ёки бошқа ҳолатларда Ижарага берувчига қайтарганда сабабларини ёзма равишда маълум қилиш ҳамда Ижарага берувчидан топшириш ва қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштиришни талаб қилиш;

2.2.11. Терминал техник қурилмаларини бут сақлаш чораларини кўриш ва сақланишини таъминлаш;

2.2.12. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ўзига берилган терминал техник қурилмаларини соз ҳолатда банкка қайтариш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Ижарага олувчидан тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан техник фойдаланишнинг ягона қоидалари ва нормаларига риоя қилинишини талаб қилиш;

3.1.2. Ижарага олувчидан фойдаланишга олинган тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан фойдаланганлиги учун шартноманинг 2.2.2, 2.2.3-бандларида кўрсатиб ўтилган коммиссион тўловларни ҳамда 2.2.4-бандда белгиланган тўловларни талаб қилиш ёки ҳисоб варағидан тўлаш кунида Ижарага

берувчи ҳужжати мемориал ордер билан ҳисоб варағидан сўндириш, тўлов талабнома орқали ундириш;

3.1.3. Ҳар чоракда бир марта (фавқулотда ҳолатлар бундан мустасно) олинган тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали ҳолатини кўздан кечириш;

3.1.4. Кечиктириб бўлмайдиган зарурат бўлиб қолганда терминал жиҳозлари қисмларини тузатиб бериш жараёнида носозлик Ижарага олувчи айби билан бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда, тузатиш қийматини тўлашни талаб қилиш;

3.1.5. Терминални сақлашда техник қоидаларга риоя қилишни талаб қилиш;

3.1.6. Ижарага берилган тўлов терминали орқали гумонли операциялар (бир мартада эҳтиёждан кўп миқдорда ва бир пластик картадан бир неча марта йирик суммадаги транзакциялар) амалга оширилгани аниқланганда шартномани бекор қилиш;

3.1.7. Терминалдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаганда, фойдаланиш ҳақи тўловлари тўлашни муддатлари кечиктирилганда, ой давомида терминалдан фойдаланилмаганда шартномани бекор қилиш.

3.2. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Зарур ҳолларда Ижарага берувчидан тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали техник қурилмаларининг ҳолатини режадан ташқари кўздан кечиришни талаб қилиш;

3.2.2. Терминал орқали қабул қилинган тўловларни ўз вақтида ҳисоб варақларига ўтказиб берилишини талаб қилиш;

3.2.3. Исталган вақтда терминал техник қурилмаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш ва уларни Ижарага берувчига қайтариш.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ижарага берувчи мазкур шартномага кўра ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни Ижарага олувчига қонунда белгиланган тартибда неустойка (жарима, пеня) тўлаган ҳолда қоплайди.

4.1.2 Ижарага олувчи мазкур шартномага кўра ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни Ижарага берувчига қонунда белгиланган тартибда неустойка (жарима, пеня) тўлаган ҳолда қоплайди.

4.1.3 Терминал техник қурилмалари Ижарага олувчининг айби билан бузилганда, Ижарага олувчи *ЭКИХнинг бир баробари + таъмирлаш учун кетган харажат миқдорида жарима* тўлайди.

4.1.4 Терминал техник қурилмалари Ижарага олувчининг айби билан йўқотилганда, Ижарага олувчи *ЭКИХнинг бир баробари + терминал қийматини* тўлиқ тўлайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланган кундан кучга кириб, 1 (бир) йил давомида амал қилади.

6. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

6.1. Ижара шартномасининг амал қилиши тўхтатилган ҳолларда ижарага олувчи тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали техник жиҳозларини ижарага берувчига топшириш мажбуриятини олади. Терминални қайтариш

юзасидан ижарага берувчининг талаби ижарага олувчи томонидан рад этилиши мумкин эмас.

7. ЯКУНЛОВЧИ ШАРТЛАР

7.1. Мазкур шартнома томонларнинг хоҳлаган бири томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда, иккинчи томонни бу ҳақда 1 (бир) ой аввал хабар қилган ҳолда бекор қилиш мумкин.

7.2. Мазкур шартномани бажариш чоғида томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди, улардан бири Ижарага берувчида, иккинчиси Ижарага олувчида қолдирилади.

Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан фойдаланиш қоидаларини билан танишиб чикдим:

Ижарага олувчи _____

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:

Ижарага берувчи	Ижарага олувчи
<p>«Hamkorbank» АТБ _____ _____ филиали _____ ш, _____ кўча х/р: _____, МФО _____ ОКОНХ 96120, ИНН _____ www.hamkorbank.uz Тел: 0-800-1-200-200 e-mail: contact@hamkorbank.uz</p> <p>Бошқарувчи: _____ (Имзо)</p> <p>Ҳуқуқшунос: _____ (Имзо)</p> <p>М.У.</p>	<p>Ташкилот: [Ташкилот номи]</p> <p>Манзили: Ижарага берувчи реквизитлари:</p> <p>Телефон: Email:</p> <p>Директор: _____ (Ф.И.О.) _____ (Имзо)</p>